

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ

525 «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг моддий-техник
базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда давлат мулкидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг илгари оператив бошқариш ҳуқуқида Тошкент шаҳар ҳокимлигига берилган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 109-уй манзилида жойлашган бино ва унга тегишли бўлган ҳудудни «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасига бепул фойдаланишга топшириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган объектни ўрнатилган тартибда топширишни, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси эса қабул қилиб олишни, шунингдек, уюшма фаолиятининг катъий мақсадида мувофиқ ундан самарали фойдаланиш таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги таркибини оптималлаштириш ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2463-сонли қарорининг 5-илова 4-позицияси чиқариб ташлансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 июнь,
ПҚ-3058-сон